

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ХОТИРА - АБАДИЙ,
ҚАДР - МУҚАДДАСИ



Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

№17
(1451)
2023-ЙИЛ
4-МАЙ

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



t.me/uzbekistondasog'liqsaqlash

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

2023 йил 30 апрелда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг яқунлари тўғрисида

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги 2023 йил 10 мартдаги 3017–IV-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги 2023 йил 14 мартдаги СҚ–702–IV-сонли қарорларига мувофиқ, 2023 йил 30 апрель куни “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилди.

Давоми 2 - бетда ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафимизда туриб, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 78 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

Давоми 2 - бетда ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш тизимига илғор рақамли технологияларни татбиқ этиш, рақамли соғлиқни сақлаш платформасини яратиш, соҳанинг барча даражаларидаги даволаш профилактика муассасалари учун маълумотлар базаси комплексини жорий этиш, дастурий таъминот ва электрон платформани ишлаб чиқиш мақсадида:

Давоми 2 - бетда ▶

TIBBIYOT OLAMIDA



Иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ва Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорацияси (IFC)нинг Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Туркия, Афғонистон ва Покистон бўйича маслаҳат хизматлари раҳбари Мунир Ферози ўртасида Иқтисодийёт ва молия вазирлиги томонидан маъқулланган консалтинг хизматлари кўрсатиш бўйича битим имзоланди.



Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилоят филиалида илк бор лапароскопик усулда ўнг томонлама адреналектомия жарроҳлик амалиёти бажарилди.



Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмағида Репродуктив тиббиёт ассоциацияси томонидан Тошкент шаҳрида Репродуктив тиббиёт ва генетика институти очилди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

КОРЕЯНИНГ DAEGU HAANYU ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ


Соғлиқни сақлаш вазирлигида Корейнинг Daegu Haanyu университети ректори Бён Чан Хун бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Давоми 3 - бетда ▶



Бугунги сонда:

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛК
БОР НОЁБ ОПЕРАЦИЯ
АМАЛГА ОШИРИЛДИ 4



ЧТО БУДЕТ, ЕСЛИ
НЕПРАВИЛЬНО ЧИСТИТЬ
ЗУБЫ 7



ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ КАРДИОХИРУРГИК
АМАЛИЁТЛАР ЎТКАЗИЛДИ 8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н ИИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ
РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

← Давоми. Боши 1 - бетда

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 18 000 000 (ўн саккиз миллион) сўм миқдоридан бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги,

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ҳамда байрамона вази- ятда топширилишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммаси- га юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 2 майЎзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И2023 ЙИЛ 30 АПРЕЛДА ЎТКАЗИЛГАН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИНИНГ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

← Давоми. Боши 1 - бетда

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18, 38 ва 39-моддаларига мувофиқ ҳамда референдум ўтказувчи округ комиссияларининг округ бўйича референдум натижалари тўғрисидаги баённомалари асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Референдум яқунларига кўра овоз берувчилар рўйхатига киритилган 19 722 809 нафар фуқароларнинг ярмидан кўпи, яъни 16 667 097 нафари ёки 84,51 фоизи референдумда иштирок этганлигига асосланиб, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдуми Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳақиқий ва бўлиб ўтган деб топилсин.

2. 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг натижалари қуйидагича тасдиқлансин:

референдумда овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий сони – 19 722 809 нафар;

озов бериш бюллетенларини олган фуқароларнинг сони – 16 667 097 нафар;

озов беришда иштирок этган фуқароларнинг сони – 16 667 097 нафар ёки овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий сонидан 84,51 фоиз;

референдумга қўйилган масалани ёқлаб “Ҳа” деб берилган овозлар сони – 15 034 608 ёки овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси раиси

3. НИЗАМХОДЖАЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 1 майЎзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р ИСОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ
РАҚАМЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

← Давоми. Боши 1 - бетда

1. Ўзбекистон Республикаси ва “KfW” банки ўртасида “Рақамли соғлиқни сақлаш ислохотларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиҳа) молиялаштириш учун 5 йиллик имтиёзли давр билан 12 йил муддатга 45 миллион евро миқдорига қарз битими ҳамда 5,5 миллион евро миқдорига грант битими имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

“Рақамли соғлиқни сақлаш ислохотларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари **1-иловага мувофиқ**;

“Рақамли соғлиқни сақлаш ислохотларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” **2-иловага мувофиқ**;

“Рақамли соғлиқни сақлаш ислохотларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” **3-иловага мувофиқ**;

2023–2025 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси **4-иловага мувофиқ тасдиқлансин**.

3. Белгилансинки:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

лоийҳани ўз вақтида амалга ошириш ҳамда мувофиқлаштириш, шунингдек, “KfW” банкининг қарз ҳамда грант маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича масъул ижро этувчи орган;

лоийҳани амалга ошириш доирасида тендер комиссиясининг ишчи органи ва тузилган шартномалар бўйича контрагент ҳисобланади;

б) “KfW” банкининг қарз маблағларини қайтариш, шу жумладан, қўшимча ҳақ ва фоизлар, бошқа тўловлар билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;

в) лойиҳани амалга ошириш доирасида харид қилинадиган ва олиб қилинадиган товарлар (хизматлар) учун тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади. Бунда, солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланиши ёки бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши натижасида иқтисод қилинган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани амалга оширишга қўшган улуши сифатида ҳисобга олинади.

4. Лойиҳани ўз вақтида ва самарали амалга ошириш учун Рақамли соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш лойиҳа офиси ташкил этилсин ҳамда ушбу лойиҳа офиси фаолияти лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларида белгиланган тартибда жалб қилинаётган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши таъминлансин.

Бунда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Рақамли соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш лойиҳа офисининг фаолиятини мувофиқлаштириб борсин.

5. Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳамда “KfW” банки ўртасида имзоланган қарз ва грант битимлари бўйича юридик хулоса берсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

лоийҳа доирасида жорий этилаётган

ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича лицензиялар учун тўловлар уларни жорий этиш харажатлари таркибига киритилади ҳамда мазкур лицензиялар ахборот тизими амалиётга тўлиқ жорий этилгандан сўнг камида 5 йил мобайнида амал қилади;

лоийҳани амалга ошириш жараёнида иқтисод қилинган маблағлар устувор равишда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини рақамлаштириш ҳамда компьютер техникаси воситаларини харид қилишга йўналтирилади;

лоийҳа доирасида ишлаб чиқариладиган ахборот тизимларини амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилиб олиш Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

давлат тиббиёт ташкилотлари учун зарур ахборот дастурлари ва тизимларини ишлаб чиқиш, ўрнатилган ҳамда техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплаб берилади.

7. Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи 5-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи гуруҳи (А. Иноятов)га қуйидаги вазифалар юклатилсин:

соғлиқни сақлаш тизими ва ташкилотларидаги жараёнларни рақамлаштириш, шунингдек, уларнинг бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;

2023–2025 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш ҳамда лойиҳани амалга ошириш бўйича “йўл хариталари”да белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш;

лоийҳанинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларида белгиланган мақсадларга эришилишини назорат қилиш;

мазкур қарорда белгиланган топшириқларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш ҳамда амалга оширилаётган ишлар натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда маълумот киритиб бориш.

8. Рақамли технологиялар вазирлиги лойиҳа доирасида жорий этиладиган ахборот тизимлари натижадорлигининг баҳолаб борилишини ҳамда бизнес жараёнларини амалга оширишнинг замонавий усуллари жорий этилишини таъминласин.

9. Ҳисоб палатаси лойиҳа доирасида жалб этиладиган ҳамда ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланилиши, шунингдек, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларида кўзда тутилган кўрсаткичларга эришилиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин.

10. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.Ш. Иноятов ва рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 1 май

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИДА ЭЗГУ ҒОЯ ВА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Этирофлиси шундаки, Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тиббиёт тизимида қаратаётган одилона сиёсат ва этиборлари боис, кейинги йилларда соҳада туб ўзгаришлар бўлиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланиб, халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи янада ортиб бормоқда.

Аҳамиятлиси шундаки, Юртбошимиз тиббиётнинг ҳар бир йўналишига айниқса, кадрлар масаласига, шунингдек, соҳадаги халқаро ҳамкорлик фаолиятларига қаратаётган этиборлари тизимни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг исботи сифатида айтмоқчиманки, юртимиз тиббиёт тизимида халқаро ҳамкорлик борасида хорижий давлатлар билан фаолиятларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш, бунинг баробарида келишув меморандумларининг имзоланиши, бу албатта, соҳада янги гоялар ва Ўзбекистон тиббиёти равнақини юқори даражага кўтаришда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиши ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, ҳар бир дақиқа, қолаверса, шиддат билан ўтаётган вақт бизни кутиб турмайди. Яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, соҳа ривожини бўйича мақсадли режа ва вазифаларимизни тўлақонли бажаришнинг вақти келди. Хабарингиз бор, жорий йилнинг 7 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев худудлар ривожини, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида Сирдарё вилоятига ташриф буюрди. Ташриф давомида Давлатимиз раҳбари дастлаб, Гулистон шаҳрида халқ депутатлари, Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади. Таъкидлашим муҳимки, йиғилишда Президентимиз Сирдарё аҳолиси фаровонлигини янада оширишга қаратилган 5 та янги ташаббусни эълон қилди.

Янги ташаббуснинг **биринчисид**а, илғор инновациялар худудид

а мацевтика, қурилиш материаллари, кишлоқ хўжалиги, озик-овқат, электротехника, тиббиёт, таълим соҳаларининг 20 та йўналишидаги лойиҳаларига алоҳида имтиёзлар режими жорий қилиниши, унга кўра ер, мол-мулк, фойда ва айланма учун солиқлар ҳамда божхона божларидан 3 йилгача озод қилинишини, ер участкалари соддалашган тартибда ажратилиши, ер ва биноларни сотиб олишда 5 йилгача бўлиб тўлашга рухсат берилиши, шунингдек, Сирдарёда 500 миллион долларлик инвестиция ҳисобига Ўзбекистон-Хитой биотехнологиялар кластери барпо этилишини алоҳида таъкидлади. Унда Хитойнинг етакчи олийгоҳлари билан бирга Гулистон халқаро таълим ва тадқиқот университети, инновацион тиббиёт клиникаси, Марказий Осиё геном маркази, онкологик касалликларни даволаш учун Хужайра терапияси маркази ташкил қилинишини ҳамда кластер томонидан замонавий диагностика қурилмалари, инновацион вакциналар, пробиотиклар ва онкологик касалликлар учун дори воситалари ишлаб чиқарилишини, бунинг учун 200 гектар ер ажратилиб, 10 минг талаба учун ўқув бинолари, замонавий кампус, лабораториялар, муҳандислар мактаби ташкил этилишини айтиб ўтди. Айниқса, янги ташаббуснинг **бешинчисид**а, тиббиётдаги ислохотлар натижаси ва соҳадаги имкониятларга таяниб, Гулистон шаҳри мамлакатимизнинг "Инновацион медицина хаби"га айланган таълим ва тадқиқот маркази билан бирга ҳамда муҳим қадамлардан бири эканлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ташриф давомида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Гулистон шаҳридаги

“Омон мед фарм” қорхонасида бўлиб, у ердаги фаолиятлар билан яқиндан танишди. Қорхонада асосан, маҳаллий доривор ўсимлик ва хомашёлардан йилига 2 миллион 400 минг кадоқ фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Қорхонада тайёрланаётган антибиотик, таблетка, ампулалари ва инфузион дори воситалари шифохоналар ҳамда дорихоналарга етказиб берилмоқда. Қорхонада қарийб минг киши меҳнат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари қорхонанинг иш жараёни, келгуси режалари билан танишди. Ушбу масъулиятли чекланган жамият тиббиёт кластери шаклида ривожланмоқда. Унинг ҳузурида поликлиника, мактаб ва университет қурилмоқда. Президентимиз қорхонада тайёрланаётган дори турларини кўпайтириш ва экспорт қилишга амалий кўмаклашиш бўйича топшириқлар берди.

Шунингдек, ташриф доирасида Сирдарё вилоятида ишлаб чиқарилаётган фармацевтика маҳсулотлари ҳам намойиш этилди. Таъкидлашим муҳимки, Сирдарё фармацевтика саноати ривожланган худудлар рейтингидан етакчилардан бири ҳисобланади. 2022 йилда вилоятдаги 21 та фармацевтика қорхонаси томонидан 393,8 миллиард сўмлик 317 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 3,3 миллион долларлик экспорт амалга оширилган.

Ҳақиқатдан ҳам Юртбошимизнинг бундай янги гоя ва ташаббуслари, соғлиқни сақлаш тизимини янада юқори поғоналарга кўтариш, шунингдек, бугунги кун талабига жавоб бера оладиган тиббиётнинг янги авлодини яратиш, бунинг баробарида инновацион янгилик ва ёндошувлар, албатта, соҳага қаратилган замонавий қараш ҳамда муҳим қадамлардан бири эканлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Президентимизнинг 5 та янги ташаббуси бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар баённомасида кўрсатилганидек, Олий таълим, фан ва инновациялар ва-

зирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт-молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида амалга оширилиши бўйича қуйидаги топшириқлар берилди. Жумладан, Сирдарё вилоятида 500 миллион долларлик инвестициялар ҳисобига Хитойнинг етакчи олийгоҳлари билан биргаликда халқаро таълим ва тадқиқот университети, Инновацион тиббиёт клиникаси, Марказий Осиё геном маркази, онкологик касалликларни даволаш учун Хужайра терапияси марказини ўз ичига олган **Ўзбекистон-Хитой биотехнологиялар кластери** барпо этиш, Гулистон шаҳрида жойлашган 200 гектар ер майдонини кишлоқ хўжалиги ерлари тоифасидан чиқарган ҳолда кластер учун ажратилиши, кластер негизда 10 000 талаба учун ўқув бинолари, замонавий кампус, лаборатория, муҳандислар мактаби, олимлар ва талабаларнинг инновацион стартаплари учун замонавий технопарклар барпо этиш. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Сирдарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Сирдарёда ягона тиббиёт кластери барпо этиш ҳамда Гулистон шаҳрини мамлакатимизнинг **“Инновацион тиббиёт хаби”**га айлантириш ишларини амалга ошириш, бунда, Гулистон шаҳрида Ўзбекистон-Хитой тиббий инновацион клиникасини ташкил қилиш вазифалари ҳам юклатилди.

Албатта, вазирлигимиз юқорида айтиб ўтилган барча вазирликлар ҳамда Сирдарё вилоят ҳокимлиги ҳамда халқаро ҳамкорлар билан муҳим вазифаларни белгилаган ҳолда фаолиятларни бошлаб юбордилар.

Амрилло ИНОЯТОВ
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

КОРЕЯНИНГ DAEGU NAANYU ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ



← Давоми. Боши 1-бетда

Мулоқот чоғида вазир ўринбосари Улуғбек Сабилов икки давлат ўртасидаги кенг қўламли ва узоқ муддатли ҳамкорлик, жумладан, ушбу университет томонидан эришилган ўқув, илмий ва амалий йўналишлардаги ютуқлар халқ таъбири соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшишини таъкидлаб ўтди.

Учрашув давомида мамлакатимизда Daegu Naanyu университети филиалини

ташкил этиш масаласи муҳокама қилиниб, келгусида аънавий таъбот бўйича мулоқотларни давом эттиришга келишиб олинди.

Мулоқот сўнггида вазир ўринбосари У.Собиров бошчилигида Республика халқ таъботати илмий-амалий маркази ва Daegu Naanyu тиббиёт университети ўртасида Ўзбекистонда халқ таъботатини ривожлантириш бўйича меморандум имзоланди.

@ssvuz

ВИДЕОСЕЛЕКТОР

ҲАР БИР ВАЗИФАГА АНИҚ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Жорий йилнинг 2 май куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятлов раислигида онлайн видеомулоқот бўлиб ўтди.

Кун тартибидagi **биринчи масала** мамлакатимизда 30 апрель куни ўтказилган умумхалқ референдуми якуналари бўйича Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятлов ўз фикрларини билдириб, мазкур сиёсий жараёнда қатнашган барча тиббиёт ходимларини фаол иштирок этганлигини алоҳида этироф этди ва соҳа ходимларига ўз миннатдорлигини билдирди.

Иккинчи масала Ўзбекистон-Германия халқаро тиббиёт форумининг тайёргарлик жараёнларига қаратилди. Бунда вазир **котибиятининг етакчи мутахассиси Нигора Муротова** жорий йилнинг 26-27 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган **халқаро форумга** тайёргарлик жараёнлари хуёусида ҳисобот тақдим этди. Ушбу нуфузли тадбирни юқорида савияда ташкил этиш юзасидан вазир А.Иноятлов барча масъулларга тегишли кўрсатмалар берди.

Учинчи масала юзасидан вазирликнинг **Тиббий ёрдамни ташкиллаштириш департаментининг бирламчи тиббий-профилактика ёрдамни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи**

Барно Одилова "Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи умуммиллий ҳаракати доирасида белгиланган вазифалар тақсими" бўйича маълумот бериб ўтди. Айни кунда ушбу умуммиллий ҳаракат Навоий вилоятининг Кармана туманида татбиқ этилганлиги ва бу борадаги фаолиятлар белгиланган чора-тадбирлар асосида тизимли йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаб, дастлабки ҳисобот натижаларини тақдим қилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан масъул ижрочиларнинг қўшимча ҳисоботлари тинланди. Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Бугунги кунда ҳар бир вилоятда ташкил этилаётган тизимдаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига ҳам этибор қаратилди. Йил якунига қадар ўтказилиши режалаштирилган қатор нуфузли тадбирлар, янги тиббиёт муассасалари, хорижлик инвесторлар иштирокида ташкил этиладиган қўшма лойиҳалар, кадрлар тайёрлаш тизимидаги ҳамкорлик масалалари бўйича ҳам маълумотлар берилди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама қилинган ҳар бир масала юзасидан тегишли чора-тадбирлар режасини белгилаб олинди.

Ибодат СОАТОВА.

ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИ

СИРДАРЁ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИГА МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК БЕРМОҚДА

Пойтахтимизда ўтказилган иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ташриф буюрган меҳмонларга юртимизда давлат тиббий суғурта тизимини йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг дастлабки натижалари ҳақида маълумот берди.

70 турдаги дори воситалари ҳамда 27 турдаги тиббий буюмлар билан таъминлаш белгиланди.

Дорихона томонидан берилган препаратлар қиймати Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ҳисобидан референт нархлар асосида қоплаб берилмоқда. Шунингдек, Сирдарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази

лик берилди. Натижада бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига қатновлар сони 20 фоизга ортиб, кундузги стационарда даволанганлар эса 75 фоизга кўпайди. Туман ва шаҳар шифохоналарида даволанган беморлар сони 10 фоизга камайиб, вилоят шифохоналарида беморларга кўрсати-

тиббий суғуртаси механизми жорий этилиши ҳамда келажақда мажбурий тиббий суғурта тизимига ўтиш кўзда тутилаётганини айтиб ўтди.

Билдирилган ушбу маълумотлар йиғилиш қатнашчиларида қатта қизиқиш уйғотди. Йиғилиш якунида Амрилло Иноятов иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга батафсил



Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимиз тиббиётида қатта ўзгаришлар даври бошланди. Хусусан, Президентимизнинг алоҳида қарорлари билан тажриба-синов тариқасида Сирдарё вилоятида давлат тиббий суғурта ти-

зимига босқичма-босқич ўтиш ишлари йўлга қўйилди. Лойиҳа доирасида бирламчи тизимда оилавий шифокор, амалиётчи ва патронаж ҳамшира ҳамда доядан иборат тиббиёт бригадалари ташкил қилинди. Беморларни қафолатланган пакет асосида

негизда 6 та шифохонани бирлаштириш орқали 520 ўринли Гулистон тиббиёт кластери ташкил этилиши соҳа ривожига муҳим қадам бўлди. Қолаверса, тиббиёт муассасаларига ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича молиявий мустақил-

лаётган юқори технологик жарроҳлик амалиётлари 92 фоизга ошди.

Вазир Амрилло Иноятов ўз сўзида давом этар экан, Сирдарёдаги натижалар ва орттирилган тажриба асосида жорий йилнинг 1 июлидан Тошкент шаҳрида ҳам давлат

жавоб берди. Шунингдек, вазир мазкур ишларни амалга оширишда яқиндан кўмак бераётган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига миннатдорлик билдирди.

Намоз ТОЛИПОВ.

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ – АҚШ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛК БОР НОЁБ ОПЕРАЦИЯ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Ушбу операция республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида муваффақиятли амалга оширилди

Кунни кеча Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида жамоамиз ходимлари ҳамда Россия Республикаси Краснодар шаҳридаги 1-сонли Кубан клиник шифохонаси илмий текшириш институти травматология ва ортопедия бўлими бошлиғи Олег Сабодашевский ҳамкорлигида Марказий Осиёда илк бор тизза бўғими артрозида ва остеопоротик катта болдир суягини юқори учлигидан синишида бир вақтнинг ўзида эндопротезлаш ва остеосинтез, ревизион эндопротез ёрдамида амалиёт ўтказилди.

1955 йилда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида туғилган. 1997 йилдан бери ревматоид полиартрит билан оғриб келган. Диспансер назоратида бўлган. 10 йил олдин калтис туриб юбориши натижасида чап катта болдир суяги юқори учлигидан синиб кетган ва консерватив даволанган. Бир йил олдин эса беҳосдан шошилиб туриш натижасида ўнг катта болдир суяги

травматологга мурожаат қилган. Текширувлар натижасида ўнг катта болдир суяги юқори учлигидан синиб кетганлиги аниқланган ва консерватив даволанган. Бемор шу вақтга қадар доимий яшаш жойида травматолог-ортопед ва ревматолог мутахассисининг диспансер назоратида турган ва турли шифохоналарда стационар шароитда консерватив даво муолажаларини ҳам

юқоридаги шикоятларининг кучайиши бошланган ва консерватив даво муолажалари умуман фойда бермай қўйган. Ҳозирда бемор юқоридаги шикоятлари билан бизга мурожаат этиб келди ва клиник, рентгенологик текширувлардан сўнг даволаниш мақсадида жароҳат асоратлари бўлимига ётқизилди.

Ташхис: Ревматоид полиартрит. Бўғим тури. Активлик I-даража. Икки томонлама деформацияловчи гонартроз IV-даража. БФЕ III-даража. Ўнг катта болдир суяги юқори учлиги сохта бўғими. Чап катта болдир суяги юқори учлигидан синиб нотўғри битганлиги. Иккала тизза бўғими ва русли деформацияси. Иккала тизза бўғими ёзувчи ва букувчи контрактураси.

Ўтказилган амалиёт: Ўнг тизза бўғимини ревизион BIOIMPIANTI эндопротези билан тотал эндопротезлаш.



Авваллари олдин остеосинтез қилиниб 6 ой ёки 1 йилда суяклари битгандан сўнг эндопротез қўйилар эди. Ҳозир бир вақтнинг ўзида ревизион эндопротез ёрдамида ҳам синган суякни остеосинтез қилиш ва тизза бўғимини сунбий бўғим билан алмаштириш амалга оширилди. Вақтдан ютилади, оёқ учлари тўғриланади, эрта

оёққа туради, қўшимча касалликлари авж олмайди. Бунинг баробарида тиббиёт муассасамизга Россиядан 5 нафар ва АҚШдан 4 нафар ташриф буюрган мутахассислар марказимизда конференция ва маҳорат дарсларини олиб боришди.

БЕМОР ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ
Бемор Идрисова Диляра

юқори соҳасида оғриқ сезган ва уч кундан кейин маҳаллий олиб келган. Охири кунларда

Албатта, халқимиз саломатлиги йўлидаги бундай ноёб операцияларнинг юртимизда амалга оширилишида шунингдек, соҳа ходимлари учун кенг имконият яратиб бераётган Президентимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз таъаккуримни билдираман. Мақсадимиз халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилиш экан, бу борада тизим ривожини учун янгиликлар сари изланиб, маҳорат ва тажриба бобида бор билимларимизни сарф этамиз.

Муроджон ИРИСМЕТОВ,
Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор.

"ҲАМШИРА 2023" КЎРИК-ТАНЛОВИ

МЕҲНАТЛАРГА МУНОСИБ РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР

Жорий йилнинг 28 апрель куни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ва Ўзбекистон ҳамширалар ассоциацияси Қорақалпоғистон бўлими билан ҳамкорликда "Ҳамшира-2023" кўрик танловининг туман босқичида ғолиб бўлган 13 нафар иштирокчилар ўртасида танловнинг Республика босқичи ўтказилди.



Кўрик танловнинг Республика босқичида 3-ўринга Муйноқ туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Нуржамал Жолдасбаева, 2-ўринга 1-сон Республика руҳий ва асаб ка-

салликлари диспансери ҳамшираси Элмира Толегенова ва фахри 1-ўринга Республика кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамшираси Зулхумар Назархановалар муносиб деб топилди. "Ҳамшира-2023" кўрик тан-

ловнинг фахри 1-ўринни эгаллаган Республика кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамшираси Зулхумар Назархановани яқуний босқичига йулланма олди. Кўрик танлов якунида ғолиблар Қорақал-

поғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг

тегишли даражадаги дипломлари ва қимматбаҳо совғалари, шунингдек танлов иштирокчилари Ўзбекистон ҳамширалар ассоциацияси Қорақалпоғистон бўлимининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ВИЛОЯТИМИЗ ШАЪНИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИШДИ



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитаси қўшма қарорига асосан Республика "Ҳамшира 2023 кўрик танлови"нинг Бухоро вилоят босқичи бўлиб ўтди..

боқулова учинчи ўринни қўлга киритди. Кўрик-танловнинг барча иштирокчилари Ўзбекистон ҳамширалар ассоциацияси Бухоро вилоят бўлими томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси ҳам ўз совғалари билан иштирок этиб, ғолибларни муносиб тақдирлади. Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ташаккурномаларини бошқарма бошлиғи ўринбосари А. Жалилов топширди.

Республика босқичида қизларимизга вилоятимиз шаънини муносиб Ҳимоя қилишларида омадлар тилаб қоламиз.

Маъмурахон САФОЕВА,
вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоатчилик билан ишлаш шўъбаси раҳбари.

Ушбу кўрик танловда куйи босқичларида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган тўққиз нафар ҳамширалар вилоят босқичида ўзaro беллашдилар. Республика "Ҳамшира-2023" кўрик танлови вилоят босқичи Бухоро давлат тиббиёт институтининг янги фойдаланишга топширилган биносидан бўлиб ўтди. Ғолиблар ҳакамлар ҳайъатининг одилона, шаффоф баҳолаб боришлари натижасида аниқланди.

Ҳар томонлама етуқ билимга эга бўлган чакқон, аиникса, амалиёт босқичларида

ўзини тўғри тактик ҳатти-ҳаракатлари билан энг юқори бал билан биринчи ўринни Республика шохилинч тез ёрдам илмий маркази Бухоро филиали ҳамшираси Светлана Назарян қўлга киритди. У мутлоқ ғолибликни қўлга киритиб Республика босқичига йўлланма олди ва вилоятимиз шаънини Ҳимоя қилади.

Нилуфар Носирова вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамшираси эса танловда муносиб иштирок этиб, иккинчи ўринга сазовор бўлди. Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамшираси Насиба Бо-

ТАДБИР ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитаси қўшма қарорига асосан Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали симуляцион залида "Ҳамшира 2023" кўрик танлови вилоят босқичи ўтказилди.



Улардан "Ҳамшира-2023" кўрик-танлови низоми талабларига жавоб берадиган 13 нафар энг билимли ҳамширалар низомда белгиланган шартлар бўйича кўрик танловда ўз билимларини синаб кўришди.

Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамшираси С. Умирзоқова 280 балл билан биринчи, Республика онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт

маркази Тошкент вилояти филиали ҳамшираси М. Махмудова 264 балл билан иккинчи ва Оҳангарон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Н. Адхамова 241 балл билан учинчи ўринни эгаллашди.

Тадбир юқори савияда ўтказилди. Иштирокчилар ва ғолиблар ҳомийлар томонидан фахрий ёрлик, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ОФАРИН, ШАҲРИБОНУ!

Вилоятимиз ўрта тиббиёт ходимлари ўртасидаги "Ҳамшира-2023" кўрик танловининг вилоят босқичи якунланди.

Наманган шаҳридаги 2-Наманган тиббиёт коллежида кечган кўрик-танловда шаҳар ва туманлар ҳамда вилоят даволаш-профилактика муассасалари доирасида ўтказилган саралаш босқичлари ғолибларидан 10 нафари республика миқёсида бўладиган финал беллашувига йўлланма олиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Улар тегишли Низомга кўра, тўртта шарт бўйича билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Нуфузли ҳакамлар

ҳайъати катнашчиларнинг "Тиббиёт соҳасига доир амалий билимлар", "Тиббиёт соҳасига оид назарий билимлар", "Ижтимоий-сиёсий билимлар бўйича беллашув", "Тиббий билимларга оид тезкор савол-жавоблар" юзасидан чиқишларини адолатли равишда баҳолаб борди. Зукколик, маҳорат ва малака бобида рақибларидан устунликка эришган Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси вакили Шаҳрибону Тўраева 238 балл тўплаб, "Ҳамшира-2023" кўрик тан-



ловнинг мутлақ ғолиби бўлди. Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган вилояти филиали ҳамшираси Шаҳноза Бобомирзаева 216 балл билан иккинчи, Наманган шаҳар болалар шифохонаси шарафини Ҳимоя қилган ўрта тиббиёт ходими Мафтуна Ҳайитова эса 210 балл жамғариб, учинчи ўринни эгаллади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдулҳоди Иминов астойдил интилиши, чуқур билими ва касбий маҳорати билан ҳамкасбларига намуна кўрсатган ўрта тиббиёт ходимларини эришган юксак натижалари билан самимий қутлади. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси Райҳона Мансурова тажриба ва заковат бобида ҳамкасбларига ўрнатган саломатлик посбонларининг келгуси фаолиятларига омад тилади.

Кўрик-танлов ниҳоясида ғолиб ва совриндорларга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

АЛЛЕРГИЯ

2025 ЙИЛГА БОРИБ, ДУНЁДА ҲАР ИККИ КИШИДАН
БИРИ АЛЛЕРГИЯДАН АЗИЯТ ЧЕКИШИ МУМКИН

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳозир Ер юзи аҳолисининг 35-40 фоизи аллергиядан азият чекмоқда. Ҳар уч кишидан бири аллергик ринит, ҳар ўнинчи одам бронхиал астмага чалинган..

Бу атроф-муҳит ифлосланиши, кимёвий қўшимчалар ва консервантлар билан бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли ортиши, дори воситаларини ҳаддан ташқари кўп қабул қилиш, кам ҳаракатлилик, стресс каби омиллар билан боғлиқ. Энг ёмони, вазият келгусида янада ёмонлашиши мумкин. Жумладан, ЖССТ прогнозига таянсақ, 2025 йилга бориб, дунё аҳолисининг тенг ярми аллергик касалликлар билан курашишига тўғри келади. Баъзи ривожланган мамлакатлар эса ҳозирдан ошуб чизикка етиб улгурди. Ваҳоланки, бундан 50-60 йил аввал аллергик касалликлар сайёрамиз аҳолисининг бор-йўғи 2-3 фоизда учраган. Бироқ кейинги ўн йилнинг ўзида бу дардга чалинган беморлар сони 2 баробар ошди. Айниқса, глобаллашув жараёни жадал кечаётган АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи давлатларида бу борада вазият анча хавотирли. Қолаверса, коронавирус инсоният бошига тушган оғир синнов бўлди. Мазкур хавфли инфекцияга чалинганларни даволашда антибиотиклар, фермент ва гармон препаратлари, витаминлар, қон суялтирувчи воситалардан кўп миқдорда фойдаланиш аллер-

гик касалликларни авж олдириб юборди. Оқибатда анафилактик шок, токсикоаллергия, Лайелла ва Стивенс-Джонсон синдроми каби охири ўлим билан яқун топадиган аллергик касалликлар кўпайди. Шу сабабли бугун аллергия эпидемияга қийсанмоқда.

Бундан ташқари, носоғлом турмуш тарзи инсоният саломатлигига жиддий путур етказяпти. Нотўғри овқатланиш – улар орасида энг кенг тарқалган овқатланиш – улар орасида энг кенг тарқалган омил. Бу хасталик асосан болалар, хусусан, эмизикли гўдаклар орасида кўп учрайди. Унинг хатарли томони – аллергеннинг кам миқдори ҳам баъзан инсон ҳаётига хавф туғдириши мумкин.

ҚАНДАЙ МАҲСУЛОТЛАР КУЧЛИ АЛЛЕРГЕН ХИСОБЛАНАДИ?

Озиқ-овқат аллергияси маҳсулотлар таркибидаги оксил ва оксилсимон моддалар таъсирида вужудга келади. Масалан, болаларда касаллик

кўпинча онанинг ҳомиладорлик ёки эмизикли даврида нотўғри овқатланиши сабабли ривожланади.

Чақалоқ сунъий аралашмалар билан озиқлантирилса, чала туғилса ёки ошқозон-ичак, ўт, жигар касалликларидан азият чекса ҳам, озиқ-овқат аллергияси юзага келиши мумкин. Қолаверса, болалар севиб истеъмоладиган сигир сути – кучли аллергия қўзғатувчи маҳсулот. Таркибида f2, Bos d 4, Bos d 5, Bos d 6, Bos d 8, Bos d 9, Bos d 10, Bos d 11, Bos d 12 ал-

лергенлари мавжуд.

Уларга 5-6 ёшгача бўлган ўғил-қиз-

ларда аллергия кузатилади.

То- вук ту- хуми

ҳам кенг тарқалган аллергенлар жумласидан.

У овальбумин, овомуеин, овотрансферрин ва овомуцин оксиллар гуруҳларини ўз ичига олади. Бу моддалар молекуляр даражада ўрганилганда, Gal d1, Gal d2, овомукоид, Gal d3, Gal d4 аллергенлари реакцияларни юзага келтириши маълум бўлди.

Балиқ – кучли антиген. Унинг гўштида парваальбумин ва тропомиозин оксил гуруҳлари мавжуд. Молекуляр даражадаги ўрганишлар унинг

Носоғлом турмуш тарзи инсоният саломатлигига жиддий путур етказяпти. Нотўғри овқатланиш – улар орасида энг кенг тарқалган омил. Бу хасталик асосан болалар, хусусан, эмизикли гўдаклар орасида кўп учрайди. Унинг хатарли томони – аллергеннинг кам миқдори ҳам баъзан инсон ҳаётига хавф туғдириши мумкин.



таркибида Сур с1, Gad с1, Gad m 1 аллергенлари борлигини тасдиқлади.

Бугдой ва соя ҳам баъзида аллергик реакцияларни келтириб чиқаради. Масалан, соя таркибини молекуляр даражада ўрганиш натижасида унинг таркибида Gly m 1, Gly m 5, Gly m 6 аллергенлари мавжудлиги аниқланди.

Гўшт маҳсулотлари орасида эса парранда гўшти бошқаларига нисбатан кўпроқ антиген хусусиятга эга.

Цитрус мевалар, қулупнай ва ертут ҳам кўпроқ

аллергия қўзғайди. Ёнғоққа аллергияси бўлганларнинг аксарияти эса ушбу мева дарахти чангига ҳам таъсирчан бўлади. Катталарда аллергия ривожланишига сабаб бўлувчи озиқ-овқат маҳсулотларидан биринчиси ернғоқдир. Бу маҳсулот кўп ҳолларда анафилактик реакцияни келтириб чиқаради. Ундан сўнг турли хил ёнғоқлар, кунжут, асал, шафтоли, узум, малина, сабзи, шоколад, кофе ва какао аллергия чиқарувчи маҳсулотлар рўйхатидан жой олган.

Аллергиянинг асл сабаби иммунитетнинг генетик даражада бузилиши ҳисобланиб, у насл суради ёки фавқулодда пайдо бўлади.

Илмира РАЗИКОВА,
Республика илмий ихтисослаштирилган аллергология маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

МОЛОДЫЕ СПЕЦИАЛИСТЫ ПОЕДУТ В ИРКУТСК

ПРОВЕЛИ
УНИКАЛЬНУЮ ОПЕРАЦИЮ

На базе Каракалпакского Республиканского детского многопрофильного медицинского центра проведена уникальная операция 2-х дневному новорожденному, с диагнозом "Тератома копчиково-крестцовой области".



Хронический Детским Хирургам нашего центра мастер класс показал наш гость из Иркутска, заслуженный врач Российской Федерации, профессор Юрий Андреевич Казлов. Ему ассистировал молодой неонатальный хирург Центра – Казыбек Мамбетов. В проведении операции участвовали замечательные анестезиологи Г. Калмуратова, Б. Хожалепесова, М. Халканова, а также операционная медсестра Э.Саитова, анестезистка Г. Камалова. Операция прошла успешно, гемодинамика стабильна.



От имени нашего коллектива желаем уважаемому Юрий Андреевичу крепкого здоровья, успехов в его благородной профессии. Мы договорились о взаимсотрудничестве и готовы командировать своих молодых специалистов на стажировку к Юрий Андреевичу в клинику в Иркутск.

Алима МАТКАРИМОВА,
Каракалпакский Республиканский детский многопрофильный медицинский центр, главный врач, кандидат медицинских наук, доцент.

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

НЕДОСЫП МОЖЕТ ПРИВОДИТЬ К ГАЛЛЮЦИНАЦИЯМ И БОЛЕЗНЯМ СЕРДЦА

Невролог филиала израильской клиники «Хадасса» в Сколково Антон Тихоновский предупредил, что недостаток сна может привести к серьезным осложнениям со здоровьем, включая сердечно-сосудистые заболевания, увеличение массы тела и снижение когнитивных функций.



Хронический недостаток сна может приводить к галлюцинациям, а также к развитию патологий сердца, угрожающих инфарктом и инсультом, сообщил врач «Газете.Ru». Недостаток сна также может привести к набору веса, ухудшению заживления ран, неполному восстановлению после травм или физического утомления, отметил Тихоновский.

По его словам, иммунная система также страдает при недосыпе, как показал эксперимент, в котором у пациентов, не спавших после вакцинации против гепатита, было вдвое меньше антител, чем у тех, кто спал.

Russian.rt.ru.

ПЕРВАЯ ПОМОЩЬ

ПРИ ОКАЗАНИИ ПЕРВОЙ ПОМОЩИ ЛУЧШЕ ИСПОЛЬЗОВАТЬ ТУГУЮ ПОВЯЗКУ ВМЕСТО ЖГУТА

При оказании первой помощи при наложении жгута можно нанести вред, не разобравшись, какое кровотечение, поэтому лучше ограничиться тугим повязкой, сообщила врач скорой помощи Елена Нечаева.



«Нельзя накладывать жгут, не разобравшись, какое кровотечение – артериальное или венозное. И очень четко нужно понимать, в какое время года идет наложение этого жгута. Даже если вы обладаете элементарными навыками наложения жгутов, очень часто делается множество ошибок», – сказала Нечаева.

Она добавила, что поэтому лучше ограничиться тугим повязкой в несколько слоев в

месте прижатия кровотока. Можно согнуть конечность в суставе, который находится выше пострадавшего сосуда, или просто затампировать рану, если она очень большая. И в большинстве случаев этой помощи будет вполне достаточно, чтобы спасти жизнь пострадавшему.

«Повязки менять не надо, их просто накладывают одна на другую, чтобы прибывшие на место происшествия меди-

ки смогли оперативно оценить кровопотерю по шок-индексу Альговера. Если вы все-таки вдруг решили наложить жгут, обязательно укажите время его наложения», – рассказала врач скорой помощи.

Она отметила, что зимой жгут можно накладывать не более чем на 1 час, летом – не более чем на 1,5 – максимум 2 часа.

«Вне зависимости от времени года жгут лучше немножко распускать каждые 15-20 мин. Если жгут будет наложен на время более указанных сроков, то есть огромная вероятность потерять конечность вследствие нарушения в ней кровотока», – пояснила Нечаева.

Она резюмировала, что самое страшное кровотечение – это артериальное. Его никогда ни с чем не перепутать, потому что бьет фонтан алой крови. Простое плотное тугое прижатие может спасти пациенту жизнь и позволить избежать массивной кровопотери без наложения любого жгута.

Иван ЧИНАЕВ.

КОРЬ МОЖЕТ ДАТЬ ОПАСНЫЕ ОСЛОЖНЕНИЯ НА НЕРВНУЮ СИСТЕМУ

Иммунолог, кандидат медицинских наук Николай Крючков рассказал, что корь, случаи которой были выявлены в некоторых регионах России, может привести к опасным осложнениям.

Течение кори напоминает острую вирусную инфекцию, сыпь появляется через один-два дня после начала заболевания и постепенно охватывает всё тело. В течение трёх-четырёх недель корь излечивается.

«Проблема в том, что это далеко не безобидное заболевание, существуют осложнённые формы, например, коревая пневмония или коревой отит, а также у некоторых пациентов спустя шесть-семь лет могут появляться признаки подострого склерозирующего панэнцефалита (тяжёлое заболевание центральной нервной системы)», – сказал Крючков.

Врач-инфекционист Евгений Тимаков напомнил, что лекарственных препаратов от кори нет: «Ковид, вероятно, изменил нашу иммунологическую память в части инфекций. Поэтому рост заболеваемости будет, с ним будут справляться, если будут вовремя локализовывать очаги, а также, если будет проведена вакцинация от кори. Иммунная прослойка теряется, иммунитет снизился после коронавируса. Переносить корь люди будут не так легко. Надо идти делать прививку от кори, я не призываю, а требую. От кори нет лекарственных препаратов, корь не лечится, можно только иметь иммунитет – переболеть или привиться», – заключил он. Таким образом, самый надёжный способ защититься от кори – вакцинация, напомнили доктора.

СТОМАТОЛОГИЯ

ВПЛОТЬ ДО СЕПСИСА. ЧТО БУДЕТ, ЕСЛИ НЕПРАВИЛЬНО ЧИСТИТЬ ЗУБЫ

Чистка зубов — естественная манипуляция для многих. Рекомендация не забывать про гигиену дважды в день знакома всем и многими скрупулезно выполняется. Однако мало просто чистить зубы рекомендованное количество раз. Нужно это делать правильно. В противном случае неверная тактика может привести к серьезным заболеваниям, затрагивающим не только зубы, но и организм в целом. О том, какие болезни могут проявиться, если неправильно чистить зубы, рассказала врач стоматолог-терапевт Кристина Маслова.



Снавыком правильно чистить зубы не рождается никто. Мало того, ему не обучают ни дома, ни в садике, ни в школе. Когда пациент приходит на прием к стоматологу-терапевту, на вопрос: какой щеткой пользуетесь и как вы ее выбираете, обычно отвечает, что просто покупает первую попавшуюся в магазине. Важно понимать, что неправильно подобранная щетка — не того размера, не той жесткости — рискует привести к серьезным болезням. Ведь вкупе с неправильной техникой чистки зубов она приводит к тому, что налет не вымывается, а наоборот загоняется между зубами. Из-за этого происходит воспаление десен, образуется поддесневой камень, развивается кариес. И эти проблемы начинают постепенно ухудшать здоровье зубов и полости рта. Правильная техника чистки зубов была специально разработана специалистами, в ней предусмотрена определенная совокупность движений, правильная постановка руки, верный угол наклона щетки, которые обеспечивают эффективное очищение поверхности зуба без вреда для него. И этому нужно учиться, так как такой навык столь же важен, как умение, например, писать ручкой или читать. Лучше всего посетить врача-гигиениста или задать соответствующие вопросы своему стоматологу-терапевту.

К чему приводит?

Если зубы изо дня в день чистить неправильно, то начнут развиваться более сложные заболевания, чем просто

воспаление десен или появление кариеса.

Это такие патологии, как:

- Пародонтит — воспаление костной ткани вокруг зуба, когда он становится подвижным и может попасть под удаление.
- Осложнения кариеса — пульпит и периодонтит, когда теряется большое количество твердых тканей зуба, когда нужно удалять нерв, из-за чего зуб становится хрупким и ненадежным. Такой зуб надо лечить либо с помощью протезирования коронками, либо, в худшем случае, за счет удаления и имплантации.
- Абсцессы и флегмоны — они развиваются, если разрушенные воспалением зубы начинают нагнаиваться. Тут проблема гораздо шире, так как гной рискует попасть в общий кровоток, что приведет к сепсису (заражению крови).

Зубная тема. Почему надо пользоваться не только щёткой, но и дробнее

Кроме этого, воспалительные процессы в полости рта и разрушенные зубы приводят к сложностям и затруднениям в пережевывании пищи, нарушается формирование пищевого комка, а это непосредственно влияет на состояние желудочно-кишечного тракта, обостряются все имеющиеся в нем хронические заболевания. А еще вместе с пищевым комком в ЖКТ поступает в такой ситуации большое количество патогенных микроорганизмов, которые также рискуют попасть в системный кровоток и распространиться по телу.

А всему причиной будет лишь неправильная чистка зубов. Так что стоит освоить этот навык по науке, чтобы избежать многих проблем со здоровьем.

Анна ШАТОХИНА,
Кристина МАСЛОВА.

101 ОГОҲЛАНТИРАДИ

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ КАРДИОХИРУРГИК АМАЛИЁТЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятлов Қашқадарёга хизмат сафари чоғида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлиб, бу ерда йўлга қўйилган болалар кардиожарроҳлиги бўлими фаолияти билан танишган эди.



Куни кеча марказда дастлабки икки юқори технологияли операция бажарилди. Қашқадарёда бу йўналишдаги илк операциялар туғма юрак нуқсонидан азиат чекиб келган беш ёшли Умиджон ва уч ёшли Зеҳнияда бепул ўтказилди. Уларда "Юракда очиқ юқори технологияли операция, сунъий қон айлантириш ускунаси ёрдами-

да нуқсонни пластика қилиб ёпиш" амалиёти муваффақиятли бажарилди. Айни пайтда болаларнинг аҳоли яхши.

Шу пайтгача қашқадарёликлар бундай операциялар учун пойтахтга боришарди. Эндиликда уларнинг узоғи яқин, мушқули осон бўлди.

@ssvuz.

ФВБ ОГОҲЛАНТИРАДИ

101 ОГОҲЛАНТИРАДИ

ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАНГ

Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларини қорхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин.

Баъзи бир оила аъзоларимиз газ плитасида овқат қолдириб ёнғин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар. Кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинлардан мисоллар келтирмоқчиман. Телевизорни яхши кўрмайдиган инсон бўлмаса керак. Бир кун кўрсатмай қолса, зеркиб, дарҳол уста чақириб, тузатишга уринамиз. Юнусобод тумани 2-дахасида яшовчи Сушко Мария ҳам телевизор шайдоси айникса, кети узилмай ҳар хил сериаллар ва кўрсатувларни микиб томоша қилади. Эрталабдан бери ўчмаган телевизорнинг пластмассадан тайёрланган деталлари кизиб кечга яқин ёнғин содир бўлган. Вақтида етиб борган ёнғин ўчириш экипажи хавфни бартараф этишга муяссар бўлди. Шунингдек, Чилонзор туманида истиқомат қилаётган Т. Вахобованинг хонадониде содир бўлган ёнғин айнан шу сабабидир. Ёнғин оқибатида ошхонанинг том панжараси ёниб қулга айланган. Шу туманда истиқомат қилаётган Х.Азизовларнинг хонадониде эътиборсиз-

лик оқибатида содир бўлган ёнғин 65 кв.м майдонда том қисми ва уй жиҳозларини қулга айлантди. Уй эгаси жиддий тан жароҳати олиб шифохонага ётқизилди. Учтепа туманида яшовчи М. Саидахмедовнинг хонадониде содир этилган ёнғин телевизор симларининг қисқа туташуви оқибатидадир. Телевизор ва юмшоқ мебелдан қуруқ қолган хонадон эгаларининг бундан кейин зийракрок бўлишларига тўғри келади. Бундай маълумотлардан хабар топган ҳар бир инсон ўзи бир хулоса чиқариши зарурдир.

Юқоридагилардан фикр қилган ҳолда Фавқулодда вазиятлар хизмати ходимлари бино раҳбарияти, бино ходимлари, барча инсонлар, хонадон эгалари ва фарзандларимизни огоҳликка чақиради.

Жанибек САЛИМБАЕВ
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
маъмурий биноларида
ЎХТТЭБ 4-бўлимаси ЁН
ва ПБ мутахассиси, сержант.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Ота-оналар фарзандларини мактабгача таълим муассасаларига ишониб топширишлари, ўз навбатида ушбу маскан раҳбарияти зиммасига болажонларнинг тарбияси, хавфсизлиги ва бошқа бир қатор масалалар юзасидан ишни тўғри ташкил қилиш вазифасини юклайди.

Мактабгача таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъминланишини назорат қилиш ёнғин хавфсизлиги хизматининг кўп тармоқли вазифаларидан биридир. Бу борада Тошкент шаҳар Миробод тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари туманда жойлашган барча мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактабларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг амалдаги ижросини таъминланиши юзасидан доимий назорат олиб борадилар. Миробод туманида жойлашган мактабгача таълим муассасаларида ва мактабларда "Биринчи рақамли хавфсизлик" мавзусида доимий равишда учрашувлар ўтказилади. Бу учрашувларда мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактаб ишчи ходимларига ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида бажарилиши лозим бўлган вазифалари, содир бўлаётган ёнғинлар мисолида ушбу қоидаларга сўзсиз риоя қилиш ва болалар хавфсизлигини таъминлашлари зарурлиги тушунтириб борилади.

Болажонларга эса хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, ўзбошимчалик билан гугурт, газ плиталари, электр асбобларидан ўйинчоқ сифатида фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилади. Айникса, ёнғин хавфсизлиги қоидалари сирасига кирувчи эвакуация режаси асосида фавқулодда вазиятларда болаларни бинодан эвакуация қилиш амалий машғулларида болажонлар қатта қизиқиш билан иштирок этишади. Ушбу ишлардан кўзланган асосий мақсад, келажагимиз бўлган ёшларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ёнғин келиб чиқиш ҳолатларини бартараф этишдир.

Алибек МИРЗААХМЕДОВ,
Миробод тумани ФВБ ПвАНБ
мутахассиси оддий аскар.



ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ЗАРУР

Республикамиз аҳоли турар жойларида ва халқ хўжалик тармоқларида ҳамда ён атрофидаги қуриб қолган ўт-ўланлар ёнғин чиқиш хавфини кучайтиради.

Оловдан фойдаланилаётганда йўл қўйилаётган эътиборсизлик ва айникса, фуқароларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида лоқайд бўлишлари сабаб бўлмоқда, ўчирилмаган сигарет, назоратсиз қолдирилган болаларнинг гугурт ўйнаши бошқа сабабларга кўра уларнинг ёниб тева-рак-атрофдаги биноларга ўтиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ушбу нохуш ҳолатларни олдини олиш мақсадида сизлардан шуни сўраб қоламизки, ёнғин хавфсизлиги меъёр қоидаларига риоя қилинг. Гугурт ва алангаланувчи моддаларни ёш болалардан узоқда ҳамда кўринмайдиган

жойларда сақланг. Болаларнинг газ мосламаларидан фойдаланишга рухсат берманг ва уларни уйда ёлғиз қолдирманг. Ўз уйларидаги атрофида йиғилиб қолган қуриган ўтларни йиғиштириб олиш махсус транспорт воситалари ёрдамида чиқинди хоналарига жўнатиш. Ўз уйингиз атрофида ёнғин ўчириш автоуловларини, ўтиш йўлакларни турли хил тўсиқлар билан тўсиб қўйманг.

Азиз юртдошлар, ёнғин қоидаларига риоя қилиш билан ўз уйингиз, оилангиз ва ёш болаларингизни офатдан сақлаган бўласиз.

Жасурбек ЭГАМНАЗАРОВ
Миробод тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими П ва НБ мутахассиси оддий аскар.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилми: www.uzssgz.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 726 дона.
Буюртма рақами Г-535.

Босмаҳонага
топширилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топширилди 20-00.